



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2025 йил 21 июнь, № 126 (9021)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



МЕҲНАТСЕВАР ВА ОЛИЙЖАНОБ ҚАШҚАДАРЁ АҲЛИ БИЛАН ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН УЛКАН МАРРАЛАРГА АЛБАТТА ЭРИШАМИЗ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, ислохотлар натижадорлигини билан яқиндан танишиш мақсадида 19-20 июнь кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.



Қўдала туманида 20 июнь кўни Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари вилоятда улкан ўзгаришлар бўлаётгани, ислохотлар одамлар ҳаётига кириб бораётганини қайд этди.

Олдинлари вилоят саноатининг ярмидан кўпи нефть-газ ва кимё тармоғига тўғри келарди. Сўнгги йилларда электр техникаси, қурилиш материаллари, тўқимачилик, мебелчилик соҳаларида «катта сакраш» бўлди. Ҳозир бу тармоқларнинг саноатдаги улуши 54 фоизни ташкил этапти.

Лекин ҳаёт тўхтаб турмайди, ҳали қилинадиган вазифалар кўп. Таҳлилларга кўра, Қашқадарёда ишга солинмаган камда 15 миллиард долларлик салоҳият бор. Бу имкониятларнинг учдан бири лойиҳага айлантирилса ҳам, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг келгуси беш йилда бемалол 10 миллиард доллардан ошириш мумкин.

Маълумки, жадал ривожланиш дастурига кирган туманларда «Ислохотлар штаби» тузилмоқда. Шахрисабз, Яккабоғ ва Қўдалада ишга тушган янги лойиҳалар бунда тайёр андоза экани таъкидланди. Энди шундай штаб вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бўлиши белгиланди.

Президентимиз вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қўшимча имкониятларни кўрсатиб ўтди.

Энг катта заҳира қишлоқ ҳўжалиги ерлари экани қайд этилди. Мисол учун, Қашқадарёдаги сўғориладиган қишлоқ ерлари 515 минг гектарни, томорқа ва боғдорчилик ерлари 45 минг гектарни ташкил қилиб, республикада биринчи ўринда.

Бундан ташқари, вилоятда 1,3 миллион гектар яйлов ва ўрмон ерлари мавжуд. Энди улардан самарали фойдаланиш учун алоҳида компания ташкил қилинади. Инвестиция жалб қилиш, лойиҳаларни молиялаштириш

ва улуш билан кириш учун унга акциядорлик жамияти мақоми берилиб, Кузатув кенгашига Бош вазир раҳбарлик қилади. Компанияга дастлабки босқичда 100 миллион доллар ажратилади. Бу маблағ ва қўшимча инвестиция ҳисобига, икки йилда вилоятдаги камда 200 минг гектар яйлов ва ўрмон ерлари лазерли текисланиб, сув тежовчи технологиялар жорий қилинади.

Қашқадарёда чорвачиликни комплекс ривожлантириш дастури бошланади. Бунинг учун Қишлоқ ҳўжалиги жамғармасидан 12 ойгача 14 фоизли кредитлар ажратилади. Бу орқали вилоятдаги 127 та чорвадор тўлиқ қувватга чиқади. Ери ҳам, фермаси ҳам борларга имтиёзли маблағ берилади.

Йил бошидан бери вилоятда мева-сабзавот экспорти 2 карра ошиб, 62 миллион долларга етган. Айниқса, Қўдала тарвузлари машҳур. Қашқадарёда бунни помидор бўйича ҳам қилса бўлади. Шу мақсадда 13 та тумандаги 6 минг гектар ерда помидор етиштириш йўлга қўйилади.

Картошқачилик учун 10 фоиздан 12 ой муддатга имтиёзли кредит ажратилади. Бу тармоққа зарур техникалар импорт божидан озод этилади, юқори авлодли уруғ харид қилишда қўшилган қиймат солиғининг 50 фоизи қайтариб берилади.

Аҳолини ишли қилиш ва камбағалликни қисқартириш энг долзарб масалалардан. Йил бошидан 284 минг одамнинг бандлиги таъминлангани билан яна минглаб ишсизлар бор.

Шу боис бу йил Қашқадарёда 470 минг кишини банд қилиш, 150 минг оилани камбағалликдан чиқариш, Китоб тумани, Қарши ва Шахрисабз шаҳрини «ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд»га айлантириш бўйича катта марра олинган.

Хусусан, Шахрисабз, Қамаш, Ғузор ва Чироқчи туманларидаги табиат

гўшаларида туризм масканлари барпо этилади. Қўдаладаги Чиял бозорида яхна тайёрловчилар учун шароит ва санитария яхшиланиб, гастронимик туризм кенгайтирилади. Шахрисабз шаҳри Қорасув маҳалласида темирчилик маркази ташкил қилинади.

Ишсиз фуқаролар хорижий тилларга ўқитилиб, юқори даромад берадиган мамлакатларга ишга юборилади. Аукционда сотиладиган 120 дан ортиқ объект ва 400 гектар ер негизда корхоналар ташкил этиб, 70 минг иш ўрни очилу чоралари қўрилади.

Бу йил Қашқадарёда 3,5 миллиард доллар инвестиция бўйича катта марра олинган. Утган беш ойда Косон, Китоб ва Чироқчида инвестиция қарийб 2 карра ошган.

Вилоятдаги конлар инвестиция жалб этиб, қўшилган қиймат яратиш учун катта имконият экани қайд этилди. Масалан, Китобдаги 5 та истиқболли майдонда 39 тонна олтин, Чироқчида 10 минг тонна ноб металллар заҳираси аниқланган. Қурилиш материаллари соҳасида 150 миллион долларлик 16 та лойиҳа тайёрланган.

Муборақдаги газни қайта ишлаш заводи атрофидаги инфратузилмадан фойдаланиб, 200 гектар майдонда инновацион саноат зонаси ташкил этилади. Унда кластер тизими асосида нефть-кимё, электротехника, робототехника ва қурилиш материаллари бўйича 5 та йирик лойиҳа амалга оширилади.

Вилоят пахта етиштириш бўйича етакчи бўлса-да, тўқимачилик саноатидаги улуши 10 фоизга ҳам етмайди. Бу соҳада 400 миллион долларлик 35 та лойиҳа бошланади. Жорий йил ип-калавани қайта ишлаш 51 фоизга, келгуси йили 100 фоизга етказиш чоралари қўрилади.

Бундай иқтисодий лойиҳалар учун ривожланган инфратузилма зарур. Масалан, Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов йўлининг вилоятдан ўтган 100 километрини реконструкция қилиш ҳисо-

бига транзит салоҳиятини 3 карра ошириш мумкин.

Қарши — Шахрисабз — Китоб магистраль йўлининг 106 километри реконструкция қилиниб, 2 тасмадан 4 тасмага ўтказилади. Бу лойиҳа доирасида Қамаш ва Яккабоғ марказидан айланиб ўтадиган 34 километрли янги йўл ҳам барпо этилади. Ислол тараққиёт банки иштирокида Тошкент — Термиз йўлининг Қашқадарёдан ўтган 60 километри ҳам 4 тасмали қилиниб, цемент-бетон қопламага ўтказилади.

Аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш учун 7 минг 700 та хонадонли уйлар барпо этилади. Бу йил 183 километр сув ва канализация тармоғи, 8 та сув иншооти қурилади.

Йиғилишда ёшлар бандлигини таъминлаш, бўш вақтларини маъмурий ташкил этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Уларни «Ёшлар бизнеси» дастурига, олийгоҳ битирувчиларини «Келахка қадам» дастурига қамраб олиб, тадбиркорлик ва бандлигига қўмаклашиш вазифаси қўйилди.

— Қўриб турганингиздек, Қашқадарёда режалаштирган ишларимиз кўп. Амир Темурдек буюк аждодимиздан жасорат, матонат, бағрикенглик каби фазилатларни мерос қилиб олган меҳнатсевар, самимий ва олийжаноб вилоят аҳли билан олдимизга қўйган улкан марраларга албатта эришамиз. Аминманки, қашқадарёликлар барча ислохотларимизнинг олдинги сафида бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан вилоят ва туман ҳокимлари, тармоқ раҳбарлари ахборот берди, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари билан мулоқот қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарё вилояти Қўдала тумани маъмурий марказидаги улкан бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Бу туман давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳолига қулайликлар

яратиш, урбанизация жараёнларини тартибга солиш мақсадида уч йил аввал ташкил этилган эди. Шундан сўнг ҳудуд ривожини жадаллашиб кетди. Бугун Еттиотм яқинида янги шаҳар пайдо бўлмоқда.

Авалло, 120 километр сув, 210 километр электр тармоғи қурилиб, зарур инфратузилма яратилди. Йўллар кенгайтирилиб, таъмирланди. Маъмурий бинолар, 19 та мактаб, 22 та боғча, кўп тармоқли шифохона ва оилавий поликлиника барпо этилди.

Этиборлиси, туман ҳокимлиги биноси мамлакатимизда янги тажрибанинг бошланиши бўлди. Бу ерда 38 та давлат идораси бир жойда жамланган. Бу аҳолига катта қулайлик яратмоқда. Авваллари бирор юмуш юзасидан олис масофаларни босиб, Чироқчи тумани идораларига қатнаган фуқаролар энди барча хизматларни ўзига яқин жойда оляпти.

Президентимиз Қўдаладаги бунёдкорлик, бундай яхлит ва мутаносиб шароитлар барча туманлар учун намуна эканини таъкидлади.

Хусусан, «Инсон» ижтимоий хизматлар маркази ҳам ҳокимлик биносидан жойлашган. Бу ерда аҳоли учун ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар бир нуктада комплекс шаклда тақдим этилади. Унинг дастурий тизими 55 та дахлдор ташкилотларнинг маълумотлари билан интеграция қилинган. Болалар, ногиронлиги бор инсонлар, кексалар ва ижтимоий тўловлар тизими ўзаро боғланган.

Давлатимиз раҳбари туман марказидаги Еттиотм кичик саноат зонасида ҳам бўлди.

Тўрт гектар майдонда тўқимачилик, озиқ-овқат, қурилиш ва ҳўжалик моллари каби йўналишларда қиймати 10 миллион долларлик тўққизта кичик лойиҳа жойлаштирилган. Масалан, «Komfort Star New» корхонасида иситиш қозонлари ва бошқа темир маҳсулотлар, «Komfort Industrial Aria»да чинни буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Уму-

ман, саноат зонасида 600 дан ортиқ доимий иш ўринлари очилади.

Президентимиз янги бунёд этилган санъат саройини ҳам бориб кўрди.

Бу ерда 255 ўринли томоша зали, кўплаб тўгарак хоналари бор. Сарой замонавий чолғу асбоблари билан таъминланган, овоз ёзиш студияси, овоз кучайтириш мосламалари, мукаммал совитиш ва иситиш тизими билан жиҳозланган.

Диққатга сазовор жиҳати, тумандаги санъат мактаби, умумтаълим мактаби ва спорт мажмуаси у билан яқин жойлашган. Давлатимиз раҳбари бу болаларга қулай бўлишини таъкидлаб, келгуси лойиҳаларда шунини қўллаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз ёш ижрочиларнинг бадий чиқишларини ҳам кузатди.

— Сизларни кўриб, Амир Темур бобимиз юртида истеъодлар кўплигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Файратли бўлиб, билим олишдан тўхтамасангиз, Ўзбекистон буюклигининг замини сизлар бўласиз, — деди Шавкат Мирзиёев ёшларга қарата.

Марказда, шунингдек, болалар майдончалари, яшил ҳудудлар, савдо ва сервис марказлари йўналишда қурилмоқда. Умуман, 200 дан ортиқ объектлар барпо этилди. Бу бунёдкорлик ва қулайликлардан аҳоли мамнун.

Худудда яна ижтимоий соҳа объектлари, кутубхона, спорт майдонлари, маданият марказлари қурилиши давом этмоқда.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АВВАЛБЕКОВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ ВА КАТЪИЙ ЧОРАЛАР

Кеча Сирдарё вилояти, Сайхунбод туманида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигида Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис

Унда Сирдарё вилоятда жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Мавжуд муаммолар танқидий муҳокама этилиб, уларни бартараф қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, 2024 йил давомида Сирдарё вилоятида 3 295 та жиноятчилик ҳолати қайд этилган ва уларнинг 37,8 фоизини кибержиноятлар ташкил қилган. Жорий йилнинг дастлабки тўрт ойида эса 705 та жи-

ноят содир этилган бўлиб, ташвишланарлиси, ёшлар, аёллар ва воёга етмаганлар ўртасида жиноятлар сони ортган. Шунингдек, маҳаллаларда профилактика тадбирларининг сустлиги боис 82 та маҳалла қизил тоифага киритилган.

Бундан ташқари, 2024-2025 йилларнинг ўзига вилоятда 355 та коррупциявий жиноят аниқланиб, уларнинг аксарияти ўзлаштириш, мансаб ваколатини суистеъмол қилиш ва пора олиш билан боғлиқ.

Йиғилишда, айниқса, бандлик, банк ва соғлиқни сақлаш тизимларида коррупциявий ҳолатлар кўп учираётгани, айрим давлат хизматчи-

лари эса қонунга зид тарзда тадбиркорлик билан шуғулланаётгани танқид остига олинди.

Мажлис давомида Сирдарё вилоятида аниқланган муаммоларни бартараф этиш, жиноятчилик ҳамда коррупцияга қарши курашиш самардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди ва тегишли «Йўл харитаси» тасдиқланди. Унинг ҳар бир вазифаси бўйича аниқ муддатлар ва ижрочилар белгиланди.

Муҳокама якунида тизимли хатоларга йўл қўйган мутасаддиларга нисбатан интизомий чоралар қўриш, айрим раҳбарларни эса эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳақида тегишли тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ИНСОН ҚАДРИ, БАХТУ КАМОЛИ — ПИРОВАРД МАҚСАД

Давлатимиз раҳбарининг Қашқадарёга бу галги ташрифи доирасида вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолат, амалга оширилаётган ислохотлар, янги лойиҳалар ва уларнинг натижалари билан бевосита танишилди. Аҳоли ҳамда тадбиркорлар билан очиқ мулоқотлар ўтказилиб, муаммолар ва тақлифлар эшитилди, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Муносабат

Бугун «Инсон қадрини, бахти учун» деган ғоя мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мезонига айланган. Мазкур таълим асосида Қашқадарё вилоятида ҳам аҳолининг турмуш

шароити, даромади ва фаровонлигини яхшилаш, маҳаллаларни ободонлаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Худуд имкониятларидан самарали фойдаланиш, камбағалликни қамайтиришга қаратилган дастурлар натижасида юрдошларимиз учун иш жойлари очилаяпти. Ёшлар

ва хотин-қизлар даромадли касбларга ўқитилиб, тадбиркорликка кенг шароит яратилаётир.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида саноат тез суръатларда ривожланмоқда. Янги, илғор технологияларга асосланган корхоналарда қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ ҳўжалиги, туризм, транспорт, энергетика соҳаларида йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Бу ютуқларда Қашқадарё вилояти, хусусан, Қарши шаҳри саноати муҳим ўрин тутди. Вилоятдаги йирик экспортбон корхоналардан бири — «Alp Techno Servis» корхонаси бу йўналишда энг муваффақиятли лойи-

ҳалардан ҳисобланади. Қиймати 10 млн. доллар бўлган ушбу замонавий саноат мажмуаси электр техникаси ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда глобал занжирга қўшилган.

Яна бир муҳим гап. Юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш энг долзарб йўналишлардан бирига айланган. Бу мақсадда тиббиёт тизимида жадал ислохотлар амалга ошириляпти, хусусий секторга энг имкониятлар яратилиб, соҳага инвестициялар жалб этиляпти. Ушбу сазй-ҳаракатлар натижасида вилоятда 700 дан зиёд хусусий клиникалар ташкил қилинган бўлиб, уларда 72 турда тиббий хизмат кўрсатиляпти.

Сенат кўмитасида



СИФАТСИЗ
МАҲСУЛОТИНИ ҚАЙТАРИБ
ОЛГАНЛАРГА ИМТИЁЗ
КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий масалалар кўмитасининг кеча бўлиб ўтган мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига мувофиқлини баҳолаш органларининг масъулиятини янада оширишга ҳамда маҳсулотларни ўз ихтиёри билан қақтариб олган тадбиркорларга енгиллик беришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мувофиқлини баҳолаш жараёнларига замонавий усуллари жорий этиш орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза этишга қаратилган кенг қўлмали ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Сенаторлар мувофиқлини баҳолаш қоидаларини бузганлик учун таъсир чораларини қўлайтириш, техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотни қақтариб олган тадбиркорларга енгиллик бериш механизмларини шакллантириш мақсадида қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш зарурати юзга келаётганига алоҳида тўхталиб ўтди.

Қонун билан Фуқаролик кодексига, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Стандартиштириш тўғрисида” ва “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонунларга мувофиқлини баҳолаш органларининг масъулиятини оширишга ҳамда техник регламентлар ва қўлланилиши мажбурий бўлган стандартларга жавоб бермайдиган маҳсулотни қақтариб олган тадбиркорларни рағбатлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Сенаторлар ўз чиқишларида ушбу қонун келгусида мувофиқлини баҳолаш органларининг масъулиятини оширишга ва истеъмолчилар ҳуқуқларининг янада ишончли муҳофазасига хизмат қилишини таъкидлашди.

Шунингдек, ҳуқуқий ҳужжат тегишли талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотни қақтариб олган юридик шахсларни молиявий санкциялардан озод қилиш орқали сифатсиз ва хавfli маҳсулотлар реализацияси ҳамда истеъмолини чеклашни ҳам таъминлаши қайд этилди.

Муҳокама якунида кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ – ДИҚҚАТ
МАРКАЗИДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Италиянинг Рим шаҳрида бўлиб ўтаётган Парламентларо Иттифоқнинг конфессияларо мулоқотга бағишланган иккинчи конференциясида иштирок этмоқда.

Конференция

Дунё мамлакатлари парламент аъзолари, диний конфессиялар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамияти ва ёшлар вакиллари қатнашаётган мазкур анжуман доирасида ўтказилган турли мавзулардаги сеессиялар ва юқори даражадаги панель муҳокамаларида дунё миқёсида диний тоқатсизлик, конфессияларо низолар ва уларнинг салбий оқибатларини камайтириш бўйича амалий ечимлар муҳокама қилинди.

Хусусан, давлатлар ўртасидаги тарихий ва этно-конфессиявий зиддиятлар, уларни бартараф этишда барқарор динларро мулоқот механизмларини жорий этиш, диний масалаларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш орқали тинч ва барқарор жамият қуриш, ёшларнинг ушбу жараёнлардаги фаол иштироки ҳамда бағрикенглик ва ўзаро тушуниш маданиятини кенг тарғиб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуманда дунё миқёсидаги диний зиддиятларни юмшатиш ва глобал бағрикенглик муҳитини шакллантиришга оид қатор тавсиялар илгари сурилди.

«Халқ сўзи».



Дарҳақиқат, Президентимизнинг туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги қатъий сиёсати натижада воҳанинг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм мажмуалари барпо этилмоқда. Хорижий давлатларнинг малакали экспертлари ва етакчи компаниялари иштирокида Мираки, Амир Темур, Улоҳ ва Полмон маҳаллаларида сайёҳлар учун қулайликлар яратилмоқда. Умумий 240 гектар майдонда 400 млн. долларлик 117 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 1 700 та доимий иш ўрни яратиш режалаштирилгани эътиборга молик.

Вилоятдаги кўплаб тарихий обидалар, муқаддас қадамжоларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бирининг ўз шонли тарихи бўлган қадимий ёдгорликлар

ҳамда соҳибқирон Амир Темур давридан бозгача сақланиб келган бе-баҳо маданий мерос билан танишиш, воҳанинг бетакрор табиатидан баҳраманд бўлиш истагидаги ташриф буюрувчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Ташриф давомида Президентимиз ҳудудларнинг туризм салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини жадаллаштириш, мамлакатимизнинг туризм салоҳиятидан етарли даражада фойдаланиш зарурлиги, миллий туризм ягона платформасини ишга туширишни тезлаштириш, унда чипта олиш ва электрон виза бериш имкониятларини яратиш, капсулали уйлардан иборат масканлар очиш борасидаги муҳим ишлар ҳақида тўхталиди.

Акс садо

ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ
ЮКСАК ЗАМИН

Қашқадарё вилояти ўзининг гўзал табиати, туризкор тоғлари ва қадимий обидалари билан машҳур. Худуднинг бундай ўзига хослиги маҳаллий ва хорижлик туристларни ўзига жалб этади.

Куни кеча Президентимиз вилоятга ташрифи давомида Шаҳрисабз тумани Ҳисор тоғи ёнбағрида жойлашган “Мираки” халқаро туризм марказининг сайёҳлик салоҳияти билан танишар экан, вилоятда туризмни ривожлантириш борасида амалга ошириладиган муҳим лойиҳалар ижроси юзасидан кўрсатмалар берди.

“Туризм халқаси”га кирган магистраль ва ички йўлларни сифатли таъмирлаш, туризм қишлоқлари, хунармандчилик ва гастрономик марказлар, чегара пунктида эса юртимиз салоҳиятини кўрсатадиган “туризм бурчаги” ташкил этиш, тоғли ҳудудларга пиёда чиқиш (трекинг) сайёҳлик маршрутига руҳсат беришни соддалаштириш борасидаги вазифалар белгилаб берилди.

Чиндан ҳам, Қашқадарё замини ўзининг бой тарихи, қадимий осори-атикалари, ўтмиш ёдгорликлари, бетакрор табиати билан ажралиб туради. Бугунги кунда воҳада 1 311 та маданий мерос объекти рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 1 041 таси археология, 200 таси архитектура, 43 таси хайкал ва 27 таси диққатга сазовор жойлардир.

Шаҳрисабздаги Оксарой мемуриал комплекси, Қамашидидаги Лангар ота, Яккабоддаги Хўжа Илғор ота, Қарши туманидаги Абул Муин ан-Насафий каби зиёратгоҳлар ана шундай қўтлуғ масканлардан бўлиб, бу ерларга йилига хорижий давлатлардан ҳам минглаб сайёҳларнинг ташриф буюраётгани мамлакатимиз сайёҳлик кўдратининг нақадар юксаклигидан далолат.

Маълумотларга кўра, вилоятга жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 500 мингдан зиёд маҳаллий ва хорижий сайёҳлар ташриф буюрган. Таъкидланганидек, туризм ҳам маб-лаб сарфлаб, кўплаб иш ўринлари яратадиган, аҳоли даромадини ошириб, худудлар қиёфасини тубдан ўзгартирадиган соҳа ҳисобланади. Вилоятда бу борада қатор имкони-

ятлар борки, ундан самарали фойдаланас, сайёҳлар оқими кўпайиб, иқтисодиётимиз янада мустаҳкамланади.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган туризм инфратузилмасини яхшилаш бўйича жамоатчилик назоратини қучатиришда, унинг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлашда, шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини янада яхшилашда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Шуҳрат АСЛАНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Ёшлар, маданият ва спорт
масалалари
кўмитаси аъзоси.

ИНСОН ҚАДРИ, БАХТУ КАМОЛИ —
ПИРОВАРД МАҚСАД



Мазкур йўналишдаги йирик ташаббуслардан бири — россиялик тадбиркор билан ҳамкорликда ташкил этилган “Оқсарой” клиникаси. Асосий йўналиши юрак-қон томир хасталиқларини даволаш бўлган ушбу муассасада бир вақтинч йўзида 4 та ва кунига 25 тагача юқори технологияли операция ўтказиш имкони яратилган.

Клиникада ташхис қўйиш имкониятлари ҳам кенг. Замонавий эхокардиография ускунаси сунъий интеллект асосида ишлайди. Бундай жиҳоз Ўзбекистонда ҳозирча ягона ҳисобланади. Ушбу имкониятлар юқори аниқликда ташхис қўйиш ва муваффақиятли даволашда катта аҳамият касб этади.

Одамлар учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш, обод ва барқарор турмуш муҳитини таъминлаш бугун

давлатимиз сиёсатининг марказида турибди. Буни Яккабод туманида қурилган “Янги Ўзбекистон массиви” мисолида яққол кўриш мумкин. Айниқса, “Эко бозор”нинг ташкил этилиши деҳқонлар учун салоҳиятли савдо майдонини, аҳоли учун эса сифатли ва арзон нархларда маҳсулот харид қилиш имконини яратди. Энг асосийси, бу бозорда 640 та иш ўрни очилган, ўнлаб оилаларнинг даромад манбаи таъминланган.

Маълумки, туризм — бу фақат сайёҳлик эмас, балки иқтисодиёт, бандлик, инфратузилма ва халқ фаровонлигини қамраб олувчи стратегик соҳа. Шаҳрисабз туманидаги Мираки маҳалласида бу йўналишда олиб борилаётган ислохотларнинг амалий ифодасини кўриш мумкин.

Илгари ташландиқ ҳолда

бўлган, инфратузилмадан маҳрум табиий гўзал жойлар бугун яхлит ва тизимли ёндашув натижасида халқаро даражадаги туризм марказига айлантирилмоқда. Бу, аввало, давлат сиёсатининг амалий натижаси, иккинчидан, маҳаллий аҳоли учун бевосита иш ўрни, барқарор даромад ва замонавий турмуш тарзи, демакдир.

117 та лойиҳа, 400 млн. долларлик инвестиция, 1 700 та янги иш ўрни — бу шунчаки сўз эмас, реал ҳаракат ва натижа. Бу ушбу худуднинг эмас, балки Ўзбекистондаги туризм ривожининг янги босқичини англатади. “Эко йўлак”, меҳмонхоналар, хостеллар, кўнгилчор ҳудудлар ва табият билан уйғунликда яратилган дам олиш масканлари сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли учун ҳам сифатли вақт ўтказиш имкониятини яратди.

Айтиш жоизки, вилоят пахта етиштириш бўйича етакчи бўлса-да, тўқимачилик саноатидаги улуши 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳозирги кунда 100 минг тонна ип-калавани атиги 28 фоизи қайта ишланади. Шу мақсадда Косондаги 40 гектарда ташкил этилган янги технопаркда 200 млн. долларлик 12 та лойиҳа қилиш режалаштирилган, лексин сув тозалаш иншооти ва канализация йўқлиги учун ишлар тўхтаб қолган.

Вилоятни комплекс ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йиғилишда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, мутасаддиларга технопарк инфратузилмаси учун маблаг ажратиш топширилди. Умуман, 400 млн. долларлик 35 та лойиҳани бошлаб, бу йил ип-калавани қайта ишлашни 51 фоизга, келгуси йили 100 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Албатта, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар, шубҳасиз, Қашқадарё вилоятининг янада ривожланиши, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилади. Бунинг учун барчамиз биргаликда интилишимиз, юртимиз ривожини, тараққиётини учун бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз керак.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.



Президент Шавкат Мирзиёев раислигида Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантиришга бағишланган йиғилиш худуднинг иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган навбатдаги амалий қадам бўлди. Унда билдирилган фикр ва топшириқлар ҳар биримиз — давлат идоралари, маҳаллий ҳокимият ҳамда депутатлар зиммасига улкан масъулият юклатмоқда.

Жорий йилда Қашқадарё вилоятига 3,5 млрд. доллар инвестиция жалб қилиш режаси — давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ислохотлар самараси ва инвестиция муҳитининг яхшиланиб бораётганидан далолат. Айниқса, Косон, Китоб ва Чироқчи туманларида сўнгги беш ойда инвестициялар қарийб икки баробар ошган.

Президент томонидан қайд этилган масала — вилоятдаги 12 та конга саноат кириб бормагани, ҳақиқатан ҳам, эътибор қаратиш лозим бўлган долзарб муаммо. Бундай табиий бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланиш маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим ўрин тутди. Қурилиш материаллари соҳасида тайёрланган 150 млн. долларлик 16 та лойиҳанинг амалга оширилиши, шубҳасиз, вилоят инфратузилмасини янада мустаҳкамлайди.

Алоҳида эътироф этиш кераки, Китоб туманидаги 20 тонна олтин захираси ва ундан ёпиқ усулда, яъни табиатга зарар етказмаган ҳолда фойдаланишга

қиёқчи билдирган инвесторлар мажмулиги юртимизда экологик барқарорликка бўлган муносабат ўзгариб бораётганидан далолат. Бу нафақат иқтисодий, балки экологик сиёсатимизнинг ҳам тўғри йўналишда эканини кўрсатади.

Чироқчидаги ноёб металллар ва Китобдаги яна 5 та истиқболли майдонда геология ишларининг бошланиши ҳам стратегик ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган изчил сиёсат намунаси.

Авалло қончи, қолаверса, халқ вакили сифатида биз бу ташаббусларни қонунчилик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, соҳадаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва аниқланган захиралардан адолатли аукцион орқали очик ҳамда шаффоф фойдаланиш тизимини яратишни ўз зимманимизга олишимиз мақсадга мувофиқ. Президентимизнинг бу борадаги аниқ топшириқлари биз учун йўл харитасидир.

Ғалия РАЙҲАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати.

БЕКЇЁС ЎЗГАРИШЛАРДАН
АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ЯНАДА ОШАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи, том маънода, воҳа аҳли ҳаётида кенг қамровли ислохотлар манзарасини яна бир бор намоён этди.

Давлатимиз раҳбари худудлар ривожини, ислохотлар натижадорлигини, амалга оширилаётган ишлар билан танишиш баробарида аҳоли вакиллари, фаоллар билан мулоқот қилди. Янги объектлар ишга туширилиб, вилоятни комплекс ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилаб берилди.

Хусусан, Қарши шаҳридан Шаҳрисабзга йўл олган поездда бўлиб ўтган суҳбат чоғида “Инсон қадри учун” тамойили асосида олиб борилаётган ишлар, шаҳар ва қишлоқлар ҳаётидаги ўзгаришлар, тинчлик ва барқарорлик қадри ҳақида сўз юритилди. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш, ёшлар ва хотин-қизларни касбга ўргатиш, маҳаллаларни ободонлаштириш каби устувор вазифалар ижтимоий ҳаётнинг марказий йўналишига айлانгани ургуланди.

Президентимизнинг Шаҳрисабз туманида барпо этилган “Ҳисорак” кичик гидроэлектр станциясини кўздан кечириши мамлакатимизда экология ва энергетика соҳаси ривожига берилган катта эътиборни яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳисорак сув омбори ва унга боғлиқ асосий ГЭСлар Қашқадарё вилоятининг электр энергияси билан таъминланишида муҳим ўрин тутди. Жумладан, 3,5 МВт қувватга эга

бўлган кичик ГЭС йилига 17,5 млн. киловатт-соат энергия ишлаб чиқаради ва шу худудда 7 мингдан ортиқ хонадонларни таъминлайди. Бу экологик тоза, тежамкор ва қайта тикланувчи энергия манбаи сифатида вилоят аҳолиси ҳаётини янада яхшилашга хизмат қиладиган улкан имкониятдир.

Эътиборлиси, келгуси икки йилда 416 та кинетик турбинали микро ГЭС қурилиши режалаштирилмоқда. Бу эса ариқ ва каналлардан ҳам самарали фойдаланиб, қувватни сезиларли даражада ошириш имкони беради. Умумий қувват 12 МВтга етказилади ва бу Қашқадарёдаги электр энергияси истеъмолининг 15 фоизини таъминлашга ёрдам беради.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда электр энергияси ишлаб чиқариш 38 фоиз ўсгани ва йиллик ишлаб чиқариш хажми 81,5 млрд. киловатт-соатга етгани мамлакатимизнинг энергия хавфсизлиги ва эко-



Ҳосан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

логик устуворлигига берилган катта эътиборнинг белгисидир.

“Ҳисорак” кичик ГЭСнинг маҳаллий мутахассислар ва корхоналар томонидан қурилиши мамлакатимизда юқори технологияларни ўзлаштириш, янги иш ўринлари яратиш ва иқтисодий ривожланишнинг таъминлашга муҳим омил бўлмоқда. Энергияни экологик тоза манбалардан олиш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилиши Қашқадарёнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига салмоқли хисса қўшади.

Вилоятни комплекс ривожлантириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда

давлатимиз раҳбари истиқболдаги режаларга тўхталиб ўтди. Хусусан, бу йил Қашқадарёда 470 минг одамни банд қилиш, 150 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш, Китоб тумани, Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларини “ишсизлик ва камбағалликдан холи худуд”га айлантириш мўлжаллангани, бу борада ишга солинмаган имкониятлар кўрсатиб берилгани, шубҳасиз, инсон ва унинг бахтли ҳаёт кечиришига хизмат қилади.

Шаҳрисабз шаҳри маҳаллаларида уй шароитида темирчилик билан шуғулланаётган аҳолига қулай бўлиши учун Қорасув маҳалласида-

ги 4,5 гектар бўш ерда темирчилик микро-марказининг ташкил қилиниши, бундай микро-марказлар Қарши шаҳри, Деҳқонobod, Касби, Китоб, Косон ва Чироқчи туманларида ҳам очилиши одамларнинг кўп йиллик муаммоларини аритиб, уларни фаолликка қорлаши муқаррар.

Хорижда меҳнат қилаётган қашқадарёликлар юқори даромадли ишлар билан банд бўлиши учун Қарши давлат университетига 100 нафар ўқитувчининг немис, япон, корейс тили бўйича малакасини ошириш, камида 10 минг одамни хорижий тилга ўқитиш, хорижда кам даромад топаётган фуқароларимизни ўзимизда ишли қилиш ҳақидаги фикрлар Қашқадарё аҳлининг айна дилидаги гап бўлди.

Ушбу ташриф мамлакатнинг энг чекка худудларида ҳам янгилашни, тараққиёт ва ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётганини яна бир бор тасдиқлади. Одамлар турмуш даражасини ошириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириб, худуднинг беқийс имкониятларини юзага чиқариш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Нойба ИНОЯТОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Экологик ташаббуслар – БМТ эътирофида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамкорлигида “Ўзбекистоннинг экологик ташаббуслари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти эътирофида” мавзуида семинар ўтказилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда экология соҳасида улкан ислохотлар амалга оширилиб, бу борадаги ташаббусларимиз нафақат минтакавий, балки глобал миқёсда ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Хусусан, қўқаламзорлаштириш орқали биохилмаҳилликни сақлаш ва тиклашга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ва “Марказий Осиё” яшил” камар” дарахт экиш акцияси халқаро ҳамжамият тарафидан яшиллик даражасини юксалтириш йўлидаги “Ўзбекистон тажрибаси” сифатида эътироф этилди.

Жорий йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг “Иқлим ўзгариши ва барқарор ривожланиш” мавзуидаги Халқаро иқлим форумида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда иқлим ўзгаришларига қарши курашиш масалалари, шунингдек, бу борадаги Ўзбекистон тажрибаси кўриб чиқилди.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг етакчи экологик ташаббуслари орқали жаҳон давлатлари бирлашиб, келажақ авлодлар учун тоза ва соғлом муҳит яратиш йўлида муҳим қадамлар қўйилди. Жумладан, мамлакатимиз ташаббуси билан БМТ томонидан қабул қилинган 12 та резолюциянинг 5 таси айнан экологик масалаларга бағишлангани ҳам бунинг яққол далилидир.

Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш, Барқарор ривожланиш мақсадла-

рига эришишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш, Марказий Осиё глобал экологик муаммолар қарши-сида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтакавий бирдамликни мустаҳкамлаш, Дегаррадиацияга учраган ва қургўқ ҳудудларда барқарор ўрмонзорларни барпо этиш, дарахт экиш ва уларни тарғиб қилиш — экологик муаммоларга қарши кура-шининг самарали ечими, Барқарор ўрмон ҳўжалиги асосида ўрмонзорлаштириш ва ўрмонлар-ни тиклаш бўйича Ҳаракатлар де-кадаси шулар жумласидан.

Семинарда қайд этилганидек, мазкур ташаббуслар минтақада-ги барқарорликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ўсиш билан бирга эко-логия ва атроф-муҳитни муҳофа-за қилиш ҳамда иқлим ўзгариши салбий оқибатларини юмшатиш-га ҳам хизмат қилади. Шунинг-дек, қабул қилинган резолюция-лар Марказий Осиё минтақаси-нинг глобал экологик сиёсатда-ги фаол иштирокини янада ку-чайтиришга, “Ўзбекистон тажри-баси”ни натижага йўналтирилган ва ҳамжихатлик тамойилларига асосланган энг тўғри ва оқилона ёндашув сифатида бутун жаҳон-га кенг тарғиб қилишда муҳим омил бўлади.

Тадбирда қабул қилинган ре-золюциялар бўйича маърузалар тингланди. Ҳар бир резолюция-нинг мазмун-моҳияти ва аҳамия-ти очиб берилди. Семинар иш-тирокчилари ўзларини қизиқтир-ган саволларга батафсил жавоб-лар олишди.

Фуқаролик жамиятида ёшларнинг ўрни

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан 30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан “Фуқаролик жамияти институтлари ва ёшлар ҳамкорлиги: бугунги амалиёт ва келгусидаги режалар” мавзуида конференция ўтказилди.

Анжуманда депутатлар, Қонунчилик палатасининг Ёшлар маса-лалари бўйича комиссияси ва Ёшлар парламенти аъзолари, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциа-цияси ҳамда ОАВ вакиллари иш-тирок этди.

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим олишга, соғли-гини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлаштиришга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини таъ-минлаш учун шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Ху-сусан, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қув-ватлаш мақсадидда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституция-мизда давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ма-даный, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, улар-нинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлан-тириши белгилаб қўйилди.

Юртимизда ёшлар билан иш-лаш бўйича дунёда ўнлаш хам бўлган вертикал бошқарув тизи-ми яратилгани уларни касб-хўнарга ўқитиш, бандлигини таъ-минлаш, бўш вақтини маъмул-ий ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қув-ватлаш билан боғлиқ қўллаб ма-салаларни қуйи бўғиннинг ўзида ҳал этиш имконини бермоқда.

Илгари олий таълимда битта ўрин учун камида 10 нафар бола кураш олиб борган бўлса, қисқа даврда олийгоҳлар сони уч баро-бар оширилгани натижасида энди 42 фойз ёшлар қамраб олинмоқ-да. Хотин-қизларга шартнома тўлови давлат томонидан қўллаб берилётгани ҳисобига уларнинг сони 11 қарра қўпайди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Хитой:

ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 17 июнь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммитида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни устувор йўналишларда кенгайтириш истиқболлари, долзарб халқаро ва минтакавий масалалар ҳақида фикр билдирар экан, таълим соҳасига ҳам урғу қаратди. Профессional таълим соҳасида ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш, университетлар ректорлари форумларини ўтказиш, илмий академиялар ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари учрашувларини ташкил этиш орқали умумий илмий-таълим платформаларини шакллантириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

■ НУҚТАИ НАЗАР

Дарҳақиқат, юртимизда таъ-лим давлат сиёсатининг усту-вор йўналиши ҳисобланади. Сўнгги йилларда биз олий таъ-лим сифатини ошириш, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияла-шуви, академик мобиллик ва халқаро ҳамкорликни ривож-лантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларни амалга оширмоқдамиз.

Жорий йилнинг 1-2 июнь кунлари бир вақтлар цивили-зацияларини ўзаро боғлаган Буюк Ипак йўлининг гаҳари — тарихий Самарқанд шаҳрида ўтказилган Таълим, фан ва технологиялар соҳасида инно-вацион ҳамкорлик форуми ай-нан Ўзбекистон ва Хитой ўрта-сидаги илмий тадқиқот ишла-рини ривожлантириш, таълим тизимида илгор технологиялар ва инновацион ёндашувларни жорий этиш ҳамда ёшларни замонавий билим ва қўникма-лар билан таъминлаш мақса-дида ташкил этилди.

Ушбу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов, Хитой Халқ Республикасининг Шэнь-си провинцияси губернатори Чжао Ган, шунингдек, мамла-катимизнинг 35 та олий таъ-лим муассасасидан 100 на-фар, Хитой томонидан 16 та олий таълим муассасасидан 58 нафар ректор, проректор ва вакиллар қатнашди.

Форум давомида “Study in China” ва “Study in Uzbekistan” кўргазмаси, “U2U” ва “G2U” учрашувлари ҳамда “Муҳан-дислик соҳасида таълим ва кадрлар тайёрлаш бўйича ҳам-корлик”, “Ўзбекистон ва Хи-тоийнинг тарихий пойтахт ша-ҳарларини асраш ва ривож-лантиришни илгари суриш”, “Хитой тилини халқаро ўқитишнинг юқори сифатли ривожланиш” мавзуларида 3 та параллел сессия фаолия-

“Бугун ноёб имконият — таълим тизимини интеграциялаштириш, талабалар ва ўқитувчилар алмаиши, қўшма илмий изланишлар олиб бориш имконини берадиган “Хитой — Марказий Осиё” ягона таълим платформасини шакллантириш вазифаси олдида турибмиз.”

нинг стратегик шериги сифати-да таълим ва илмий ҳамкорлик соҳасида салмоқли қўшма дас-турларни амалга оширмоқда.

Давлатлар раҳбарларининг расмий ташрифлари, таълим соҳасидаги ҳукуматлараро шартномаларнинг имзолани-ши, савдо-иқтисодий алоқалар фаоллашуви, халқаро муноса-батлар барқарорлиги — узок муддатли таълим дастурлари-ни режалаштиришга, моддий-техника базасини ривожланти-риш учун сарможа жалб қилиш-га ва тўсиқларсиз академик алмашинувларни йўлга қўйиш-га шарт-шароитлар яратмоқда.

Қадимий Самарқанднинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни барчага аён. Сиан шаҳри ҳам уш минг йиллик тарихга эга. Мазкур форум Буюк Ипак йўлидаги икки қадимий шаҳар ўртасидаги алоқаларни, таъ-лим соҳасидаги ҳамкорликлар-ни янада юқори даражага олиб чиқади. Зеро, Хитойда таълим



соҳасидаги халқаро ҳамкорлик баъзан “Таълим ипак йўли” деб аталади.

Тўртинчи саноат инқилоби таълим соҳасида кескин ўзга-ришларни, жаҳон иқтисодийёти эса доимий равишда янги ғоялар ва ечимларни жорий этишни талаб қилади. Бу бо-рада Ўзбекистон ва Хитой яқин ҳамкорликда ишлаб, XXI аср таълим моделларини яратиш-да лидерларга айланиши мум-кин.

Мамлакатларимиз ўртаси-даги ҳамкорлик тил таълими-дан анча кенг доирани қамраб олади. 2020 — 2024 йиллар ораллигида энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, ахборот технология-лари ва тиббиёт каби страте-

гик муҳим соҳаларни қамраб олган 15 та қўшма илмий лойиҳа амалга оширилди.

2023 йилда Хитой компания-лари Ўзбекистонда 5 та инно-вацион лойиҳа учун грантлар ажратди. Сунъий интеллект ва робототехника соҳасидаги тад-қиқотлар шулар жумласидан.

Олий таълим, фан ва инно-вациялар вазирилиги ҳамда ХХР Таълим вазирилиги ўртасида 1999 йил 8 ноябрда таълим соҳасида ҳамкорлик тўғриси-да Битим имзоланган. Аммо ушбу соҳадаги ҳамкорлик кейинги йилларда янги бос-қичга кўтарилиб, икки томон-лама муносабатларнинг муҳим қисмига айланди. Биз таълим дастурларимизнинг “Бир ма-кон, бир йўл” глобал ташаб-буси билан интеграциялашуви-га алоҳида эътибор қаратмоқ-дамиз ва таълимга ушбу кенг қўламли лойиҳанинг “юмшоқ инфратузилмаси” сифатида қараймиз.

СУВ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЕТАКЧИ ИЛМИЙ МУАССАСА



Ахборот муҳаммадов олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазири Илтифат ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида мазкур муассаса ташкил этилганининг 100 йиллиги муносабати билан “Марказий Осиёнинг глобал экологик ва сув муаммоларини ҳал қилишда илмий ёндашувлар” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

■ Халқаро анжуман

Унда Ирригация ва сув муаммо-лари илмий-тадқиқот институтининг фаолияти 1925 йилда Урта Осиёда ягона бўлган Гидротехника тажри-ба-тадқиқот институтини ташкил этишдан бошлангани, турли давр-ларда турлича номланган бу илмий даргоҳ юксак илмий-ишлаб чиқариш базасига эга бўлган салоҳиятли му-

ассасага айлангани ҳақида фикр юритилди.

— Бу ерда жуда катта илмий мак-таб яратилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев. — Қўллаб олимлар, илм аҳли етишиб чиқди. Мамлака-тимиз Президенти Шавкат Мирзиёев то-монидан сув ҳўжалиги соҳасини илм-

Мазкур интеграция доира-сида логистика ва транспорт, халқаро савдо, барқарор ри-вожланиш каби муҳим бўлган соҳаларда махсус таълим дас-турлари ишлаб чиқилмоқда. Ушбу ташаббусларни амалга ошириш жараёнида хитой тили оддий алоқа воситаси эмас, балки маданиятлараро ўзаро тушуниш кўприги ва иқтисодий интеграция воситасига айлан-моқда.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкор-лик ташкилоти доирасида таъ-лим соҳасидаги кўп томонла-ма алоқаларни фаол ривожлан-тирмоқда. Биз ШХТ универси-тетлар тармоғини ва ШХТ ёш олимларининг академик мобил-лик дастурини яратиш ташаб-бускорни бўлдик.

Хитойдаги Ўзбекистонлик талабалар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хитой Ўзбе-кистон фуқаролари учун сти-пендиялар ажратиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, мам-лакатимиздаги хитойлик тала-балар сони ҳам кўпаймоқда. Бугунги кунда олий ўқув юрт-ларимизда жами 2 минг на-фарга яқин хитойлик талаба-лар тахсил олмоқда.

2004 йилда Тошкент шаҳри-да ва 2013 йилда Самарқанд шаҳрида Конфуций институт-ларининг ташкил этилгани Ўзбекистонда хитой тили ҳамда маданиятининг ривож-ланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой уни-верситетлари ўртасида қўллаб ҳамкорлик шартномалари ту-зилди. Биргина бизнинг ЎзДЖТУда Пекин, Шанхай халқаро тадқиқотлар универ-ситетлари, Шанхай нормал университети, Пекин тил ва маданият университети, Шар-қий Лианонг университети, Лиодун университети, Тиан-жин халқаро тадқиқотлар уни-верситети, Даян технология университети, Нанкин техноло-гия институтлари билан ҳам-корлик ўрнатилган ва шартно-малар имзоланган. Форум доирасида шартномалар сони янада ошди. ЎзДЖТУ ва Сиан чет тиллар университети ўрта-сида шартнома имзоланди ва режалар белгилаб олинди.

Университетимизда мазкур йўналиш алоҳида ўрин эгаллай-ди. “QC Word University Ranking” рейтингига кўра, бизнинг олий-гоҳимиз “Лингвистика” йўнали-ши бўйича дунёда 251-ўринни эгаллади. Бу таълим муассаса-мизнинг юқори халқаро мақо-мини тасдиқлайди.

Университетда хитой тили 1990 йилдан иккинчи чет тили сифатида, 2014 йилдан эса асосий чет тили сифатида ўқитилади. Бугун мингга яқин

талабалар бакалавр ва магис-тратура дастурлари доираси-да хитой тилини ўрганмоқда. Университет нафақат педагог кадрларни, балки гид ҳамроҳ-лик ва таржимонлик фаолияти соҳасидаги мутахассисларни ҳам тайёрлайди.

Бизнинг профессор-ўқитув-чилар таркибимиз алоҳида гуруримиздир: 16 нафар ма-ҳаллий хитой тили ўқитувчиси 10 нафар хитойлик мутахассис билан яқин ҳамкорликда иш-лайди.

Икки томонлама академик мобилликни ривожлантириш доирасида ЎзДЖТУда ҳар йили рус тили, ўзбек тили, шунинг-дек, халқаро муносабатлар, маданиятшунослик соҳасидаги ихтисослаштирилган фанлари ўрганидиган хитойлик талаба-лар гуруҳларини қабул қила-миз. Хитойлик талабаларнинг Ўзбекистон таълим муҳитига сифатли мослашувини таъмин-лаш учун рус ва ўзбек тилла-рининг интенсив курслари, ма-ҳаллий академик маданият ва олий таълим тизими ҳусусият-лари билан таништиришни ўз ичига олган махсус ҳамроҳлик дастури ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда чет тиллари-ни ўқитадиган олий таълим му-ассасаларида Хитой олий ўқув юртларидан таклиф этилган тил соҳиблари, яъни хитой тили ўқитувчилари, стажёрлар, олимлар талабаларимизнинг хитой тилини юқори даражада ўрганишига ҳисса қўшмоқда.

Ҳар йили Хитой мактаб-ларини битирган 3-4 млн. нафар ёшлар ушбу мамлакат олий-гоҳларига ўқишга кира олмайд-и. Ушбу форумда уларни Ўзбекистон олий таълим муас-сасаларига ўқишга қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида таклифлар билдирилди.

Бугун ноёб имконият — Президентимиз илгари сурган ташаббусни рўёбга чиқариш, яъни таълим тизимини интегра-циялаштириш, талабалар ва ўқитувчилар алмаиши, қўшма илмий изланишлар олиб бориш имконини берадиган “Хитой — Марказий Осиё” ягона таълим платформасини шакллантириш вазифаси олдида турибмиз.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбеки-стон Республикаси ҳамкорлик-ка доим очик. Қўшма таълим ва илмий ташаббусларни амалга оширишга ҳисса қўшишга тайёр. Ўзаро ҳамкор-лигимиз мамлакатларимиз фар-вовонлиги, барқарор ривожла-ниши ва инновацион келажаги гарови бўлиши, шубҳасиз.

Илҳомжон ТўХТАСИНОВ, ЎзДЖТУ ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.



ЯНГИ ҚИЁФАДАГИ ЗИЁ МАСКАНИ

Булунғур тумани Ахборот-кутубхона мар-кази янги бинога эга бўлди. Зиё маскани-нинг очилиш маросимида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилот-ларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди вакиллари, Самарқанд вилоятидаги кутубхона фаолиятига алоқадор масъуллар, туман фаоллари қатнашди.

Кулайлик

Ахборот-кутубхона маркази янги биносига 2 та ўқув зали, фаоллар зали, компьютер хо-наси, 6 та ходимлар учун хона, библиография, фонд-ларни сақлаш хонаси ва кўзи оғизлар кутубхонаси жойлашган.

Тадбир иштирокчилари бинода яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди, қатор ташки-лотлар томонидан кутубхонага китоблар совға қилинди.

Мазмумот ўрнида айтиш керакки, бугунги кунда ушбу Ахборот-кутубхона марказида 8,5 минг номда-ги 18 мингдан ортиқ китоблар мавжуд, келгусида уларнинг сони янада кўпаяди.

Абдулазиз Йўлдошев («Халқ сўзи»).

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МЕРОС

Миллат тақдири унинг тили билан белгиланади. Тил — ҳар қайси халқнинг руҳи, нафаси, тарихий хотираси. Унга муносабат халқнинг ўзига бўлган ҳурмати билан баробар саналади.

Мустабид тузум даврида тажовузкор кучлар она тилимизни йўқ қилиш орқали халқимизни тарих саҳнасидан супуриб ташлашга уринди. Аммо ўша мафкуравий таъйиқлар гирдобидида ҳам она тилимизнинг посбонлари ўз ҳаловати, ҳатто жонидан кечиб қураш майдонида чиқишди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинган улкан маънавий жасорат намунаси эди.

Мушоҳада

Туркий тиллар оиласининг гултожи саналмиш ўзбек тили ривож ва унинг нуфузини ошириш йўлидаги интилиш 2016 йилга келиб янги босқичга кўтарилди.

Асосий Қонунимизнинг янги таҳририда бу ҳақиқат ўз аксини топди. Хусусан, 4-моддада “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир” деб қатъий белгилаб қўйилди. Шу билан бирга, мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ҳамда аъна-аналарига ҳурмат билан ёнда-ишиш, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароит яратиш ҳам давлатнинг зиммасидаги вази-фа сифатида эътироф этилди.

Жонахон Ватанимизда исти-қомат қилаётган 130 дан ортқ миллиат ва элат вакилларининг тинч-тотув ҳаёти, ўз она тилла-рини эркин ривожлантириши ва асраб-авайлаши давлат сиёса-тида муҳим ўрин тутди. Аммо бу ҳолат асло ўзбек тилига ни-сбатан эътиборсизлик ёки бели-санд муносабатни оқламайди. Давлат тили давлат рамзи, миллий гурур ва маънавий суянчдир.

Кейинги йилларда ўзбек тили-га бўлган эътибор нафақат из-чилик касб этгани, балки янги тараққиёт босқичига чиққани би-лан ҳам қувонтиради. Жумладан, 2019 йил 21 октябрда “Ўзбек ти-лининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан оши-риш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги Президент Фармони им-золанди.

Бугунги кунда 21 октябрь са-наси юртимизда “Ўзбек тили байрами кун”и сифатида нишон-ланмоқда. Давлат тилини ривож-лантириш департаменти, вазир-лик ва идораларда махсус маслаҳатчи лавозимлари жорий қилинган. Улар олдига юртимиз-да тил маданиятини юксалти-риш, қонун талабларига риоя этилишини таъминлаш вазифа-си қўйилган.

Президентимизнинг “Мамла-катимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсати-ни такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги Фармони-га мувофиқ, 2020 — 2030 йил-ларда ўзбек тилини ривожлан-тириш ва тил сиёсатини таком-иллаштириш концепцияси тас-диқланган. Унга кўра тилга оид ишлар тизими ҳолга келтирил-ди, мамлакатимизда давлат ти-лига амал қилиш механизми ишлаб чиқилди. Қисқача айтганда, тил сиёсатини ривожлантириш стратегияси белгилаб берилди.



Концепция янги авлод дарс-ликлари ва ўқув лугатлари яратишни сифат босқичига олиб чиқди. Давлат бошқаруви, замо-навий ва инновацион техноло-гиялар, саноат, банк-молия ти-зиммидаги атамалар тартибга келтирилди, давлат идоралари-да давлат тилида иш юритиш бўйича бошланган ишлар тако-миллаштириб борилмоқда.

Мазкур ҳужжат билан давлат мактабгача таълим тизимида ўзбек тили гуруҳлар қамрови-ни 2030 йилгача 80 фоизга ет-казиш, умумтаълим мактаблари-да ўқув йиллари учун таянч ўқув режаларида она тили фанини ўқитиш кўламини амалдаги — ҳафтада 84 соатдан 110 соатга-ча ошириш, олий таълим муас-сасаларида ўзбек тили кафедр-алари сонини 140 тага еткази-ш кўзда тутилган. Лотин ёзу-виге асосланган ўзбек алифбо-сида “Ўзбекистон миллий кому-си” жилдларини нашр этишни босқичма-босқич кўпайтириб бо-риш, телерадиоканаллар суҳан-дон-бошловчиларини ўзбек ада-бий тилидаги нутқ маданиятини оширувчи қайта тайёрлов курс-ларида ўқитиш тизимини жорий этиш ва қамровни 2030 йилгача 100 фоизга етказиш мақсад қилинган. Шунингдек, давлат ти-лида соҳавий иш юритиш ҳуж-жатларининг ягона электрон на-муналарини ишлаб чиқиш, дас-турий махсулотларнинг ўзбекча иловалари ва электрон лугатлар, хорижликлар учун ўзбек тилини ўргатуви дастурлар яратиш ҳамда бошқа чора-тадбирлар ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллашти-ришининг асосий йўналишлари этиб белгиланган.

Дарҳақиқат, давлат тилини ривожлантиришнинг кўп йиллар-га мўлжалланган концепцияси ишлаб чиқилиши она тилимиз ҳаётида қиёслаб бўлмайдиган тарихий воқеалик бўлди.

Эндиликда тил ривожига ил-мий ёндашув долзарб масала-лардан биридир. Жумладан, за-монавий тилшунослик фани ол-дида нафақат лингвистик тад-қиқотлар ўтказиш, балки тилдан самарали фойдаланиш меъёрла-

рини ишлаб чиқиш, нутқий ма-даниятни юксалтириш бўйича йўл-йўриқ ҳамда кўрсатмалар тайёрлаш каби масъулиятли ва-зифалар турибди.

Соҳада эришилаётган ютуқлар кўпчилигини ҳам эътироф этиш жоиз. Масалан, “Давлат тилида иш юритиш” кўлланмаси, лотин ёзувиге асосланган ўзбек алиф-босида нашр этилган 6 жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”, “Ўзбек халқ сўзлари лугати”, “Ўзбек тилининг катта имло лу-гати”, “Фразеологик лугат”, “Си-нонимлар изоҳли ва ўқув лугат-лари”, “Ўзбекистон жой номла-рининг изоҳли лугати” каби сал-моқли нашрлар — машаққатли илмий изланишлар меваси.

Бугунги кунда соҳавий лугат-лар, барча вилоятлар топоним-ларини қамраб олган тўпламлар тайёрланиб, нашрга тақдим эти-лиш арафасида турибди. Бу эса нафақат тилшунос олимлари-мизнинг фидойи меҳнати, бал-ки ўзбек халқи ривожига илмий ёндашув кенг қулоч ёзаётгани-дан далолат беради.

Сўнгги ўн йилликда ўзбек ти-лининг халқроқ майдондаги ну-фузи изчил ўсиб бормоқда. Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарида давлати-миз раҳбарининг ўзбек тилида

ўрганувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Айниқса, ўзбек тили-да сўзлашувчилар сони дунёда эллик миллиондан ошгани бар-чамиз учун қувонарли ҳол.

Ўзбек тили АҚШ, Буюк Бри-тания, Германия, Франция, Шве-ция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Хиндис-тон, Туркия, Афғонистон, Озар-байжон, Тожикистон, Қозоғис-тон, Туркменистон, Қирғиз Рес-публикаси каби давлатларнинг 60 га яқин университетлари ва юздан ортқ мактабларида ўрга-нилмоқда. Ўзбек тили ва адаби-ёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Дарвоқе, Туркий давлатлар ташкилоти томонидан Алишер Навоий номидаги халқроқ муко-фотнинг таъсис этилиши ўзбек тилининг халқроқ нуфузини оширишдаги муҳим ишларидан бири бўлди.

Мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги ва “Реклама тўғрисида”ги қонунлар, ҳукумат қарорларининг бажарилишига катта эътибор қаратилаяпти. Ай-ниқса, топонимик объектларга ном беришда ажнабий номлар олиб ташланиб, улар тарихий ёки замонавий ўзбек атамалари

“Мамлакатимизда бошқа тилларнинг ўқиб-ўрганилишига ҳеч ким қарши эмас. Ўзбекистонда яшайдиган ҳар қандай фуқаро ўзи истаган тилни ўрганиши мумкин. Ахир дунё билан мулоқот қилишнинг самарали усули ҳам шу. Аммо биз масаланинг иккинчи тарафи борлигини ҳам унутмаслигимиз даркор. Инсон қайси тилда ёзса ва гапирса, ўша тилда тафаккур қилишга одатланади. Тафаккур эса миллий қиёфа дегани. Миллий тилисиз, миллий қиёфасиз қолган миллат эса ўз йўли ва ўрнини йўқотишига тарих гувоҳ.

сўзлаган нутқи тарихий воқеа сифатида тил масаласига нис-батан қатъий сиёсий ироданинг намоёни бўлди. Мазкур воқеали-да юксак маънавий гурур ҳамда ифтихор бор эди ва бу ифтихор дунё жамоатчилиги томонидан ҳам ҳис этилди.

Янги Ўзбекистоннинг тарақ-қиёт стратегияси ҳамда “Ўзбекис-тон — 2030” стратегияси дои-расида миллий тилининг нафақат юртимизда, балки хажон майдон-идаги нуфузини оширишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда 50 дан ортқ дипломатик ваколатхоналаримизда, шунинг-дек, қўшни давлатлар олий таъ-лим муассасаларида “Ўзбек тили дўстлари” клублари фао-лият юртияпти.

Шу билан бирга, чет эллик-лар учун дарсликлар, электрон дастурлар, мобил иловалар, илмий-назарий ва методик кўлланмалар, махсус лугатлар яратилмоқда. Бу эса ўзбек ли-сонининг дунёга очқ, замона-вий ва ҳар қанча ўранишига ар-зигулик жозибали тил эканини яна бир бор далиллайди.

Ишонч билан айта оламизки, бугунги кунда тилимизни илмий жиҳатдан тадқиқ қилувчилар,

билан алмаштирилмоқда. Шу-нингдек, қонун талабларига зид бўлган реклама ёзувлари ўзгар-тирилмоқда. Аммо бу соҳадаги муаммолар ҳамон тугамаганини ҳис қиламиз. Демак, қонуннинг ижро механизми мукамал эмас. Қонунни бузганларга жа-рима солавериш билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Бу бўйича самарали ечим ва таклифлар зарур.

Қарийб ярим аср аввал, та-лабалик давримизда устозлари-миз бизга шевачилик барҳам то-пишини, адабий тилда гапира-диган ягона жамиятга айланиши-мизни таъкидлашар эди. Аммо

Назаримизда, инсон онгини ижобий томонга ўзгартиришни амалга оширмай туриб тил ва нутқ маданиятида ҳам қутилган натижаларга эришиш мушкул. Оммага таъсир ўтказиш учун мамлакатдаги барча зиёлилар бир тўғри йўлда, ҳамфир ва руҳан бирлашган ҳолда ҳаракат қилиши керак. Ватан ва миллат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон, ҳар қайси зиёли адабий тилда гапириши зарур. Улар нафақат ўзлари, балки ўзига хос нутқ маданияти ва тилдан фойдаланиш усули билан атрофдагиларга ҳам намуна бўлиши шарт. Айни вақтда тилимиз маданиятини юксалтиришнинг самарали усулларидаан энг муҳими шу. Тилимизга муҳаббат ва ундан фойдаланиш маданияти юксаклиги ҳар биримиз учун фақатгина ҳурмат эмас, балки келажак авлодга қолдирилажак бебаҳо маънавий мерос ҳамдир.

Суюн КАРИМОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.



1 миллионга яқин чет эллик океанортини тарк этди

АҚШ Меҳнат статистикаси бюроси маълумотларига асосланиб Миграция тадқиқотла-ри марказининг хабар беришича, “дастлабки маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатда 2025 йилнинг январидан май ойи-гача бўлган даврда ишлайдиган ва ишсиз чет элликлар умумий сони 957 минг кишига камайган”.

Яъни 2025 йил май ойига келиб АҚШда 14,8 миллион ноқонуний муҳожир истиқомат қилмоқда ва бу январь ойига нисбатан 1 миллионга кам. Ҳисобот муаллифларининг таъкидлашича, АҚШ фуқаролигига эга бўлмаган чет элликлар Дональд Трампнинг президентлик сайловларидаги ғалабаси ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг муҳожирларни чиқариб юбориш бўйича ҳаракатларини кучайтириши сабабли мамлакатни тарк этмоқда.

Товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда

Хитой Халқ Республикаси божхона бош бош-қармасининг статистик маълумотларига қараганда, жорий йилнинг январь — май ой-лари давомида Хитой ва Марказий Осиёнинг бешта давлати ўртасидаги импорт ва экспорт ҳажми 10 фоизга ошиб, 39,8 млрд. АҚШ дол-ларини ташкил этди.

Ўтган йилда Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2014 йилга нисбатан 3 баробардан кўпроқ ошиб, 94,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этган эди. ХХР Савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик академияси Евроосий институти профессори Лю Хуачинь Қозоғистон Хитойнинг Марказий Осиёдаги энг йирик савдо ҳамкори эканлигини таъкидлади.

Хитой Ижтимоий фанлар академияси Шарқий Европа, Россия ва Марказий Осиё институти катта илмий ходими Су Чаннинг сўзларига кўра, Қозоғистон ва Хитой “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида ўн йилдан ортқ вақтдан бери логистика, инфратузилма, иқтисодиёт ва савдо соҳаларида ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Яшаш учун энг қулай шаҳарлар рейтинг

Буюк Британиянинг “The Economist” журна-ли дунёнинг яшаш учун энг қулай шаҳарлари рейтингини эълон қилди. Унда дунёнинг 173 шахри барқарорлик, атроф-муҳит, соғлиқ-ни сақлаш, инфраструктура ва таълим кўрсат-кичлари бўйича 100 балл тизимда баҳолан-ди. Ва Дания пойтахти Копенгаген 2025 йил яшаш учун энг қулай шаҳар деб топилди.

Иккинчи ўринда Вена ва Цюрих, учинчи ўринда эса Мельбурн қайд этилган. Энг яхши ўнликка, жумладан, Женева, Сидней, Осака, Окленд, Аделаида, Ванкувер кирди. Рейтингда сўнгги ўрнини Суриянинг Дамашқ шаҳри банд этди. Бундан ташқари, яшаш учун ноқулай шаҳарлар ўнталигида Триполи, Дакка, Карачи, Жазоир, Лагос, Хараре, Порт-Морсби, Киев ва Каракас қайд этилган.

Айтилишича, дунёдаги беқарорлик туфайли бу шаҳарлардаги турмуш шароитлари кетма-кет иккинчи йил яхшиланмаяпти.

Таиланд мева-сабзавотлари ва сериаларига тақиқ қўйилди

“The Guardian” нашрининг хабарига кўра, Камбоджанинг бу тақиқи Жануби-Шарқий Осиёдаги қўшнилар ўртасидаги узоқ давом этган чегара можароси туфайли юзага келган. Май ойида қўшнилар чегарадаги баҳсли худудда қисқа муддатли отишма уюштириб, Камбоджа аскарлари ўлдирилганида кескин-лик авж олган эди.

Таиланд сўнгги кунларда Камбоджа билан чегарада чекловлар жорий қилган. Камбоджа эса Таиланд фильмларини телевидение ва кинотеатрларда кўришни тақиқлади, чегара назорат пунктини ёпиб, ушбу мамлакатдан интернет ўтказувчанлигини қисқартирди.

Таиланд мева ва сабзавотлари учун тақиқи 17 июндан кучга кирди.

Интернет хабарлари асосида
Шарофиддин ТўЛАГАНОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

2026 йил 1 январдан давлат органлари фаоллигининг миллий рейтинги жорий этилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўтқизиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида тервалд ҳамда оператор М. Бегмутов томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.45 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6